Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 10 MART, SESHANBA, 30 (7491) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Жаҳонгашта фермер

Мустақиллик туфайли ер ўз эгасини топди. Фермерлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланди. Йил сайин тажриба, малакаси ошиб бораётган қишлоқ мулкдорлари, нафақат ҳосилдорликни ошириш, омилкорлик билан иш кўришнинг ҳадисини эгаллаб боришаётир, шунинг баробарида соҳага янгиликларни жорий этишяпти, дунёнинг илғор тажрибаларини амалиётда қўллашяпти.

Қарши туманидаги "Бойназарова Гўзал Ҳақназаровна" фермер хўжалигининг раҳбари Ҳақназар Давлаев ана шундай қишлоқ мулкдорларидан.

— Фермер бўлиб, мулкдор бўлдим, жаҳон кўрдим, — дейди Ҳақназар Давлаев. — Дунёдаги ҳамкасбларимнинг тажрибасини ўргандим. Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапурда бўлдим. Хитойнинг Урумчи шаҳрига бориб, соҳага доир технология билан танишдим. МДҲ давлатларига қилган сафаримиз қишлоқ хўжалик техникаси, эҳтиёт қисмлар таъминоти бўйича қатор келишувларга бой бўлди. Яқинда яна Хитойга бормоқчиман. Мақсад, замонавий технологиялар билан танишиш, фермер хўжалигимизда қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш.

Фермернинг орзулари бисёр. Хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, тайёр маҳсулотларни хориж бозорига чиқариш.

— Ахир, бунинг учун барча шароит бор, — дейди у. — Биздан фақат изланиш, интилиш ва меҳнат қилиш талаб этилади.

СУРАТДА: *фермер Ҳақназар Давлаев.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар сув тақчиллигининг олдини олиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва мавжуд экин майдонларида ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлмоқда.

СУВ – МЎЛ ҲОСИЛ МАНБАИ

Сурхондарё вилоятидаги жами ерларнинг 31 фоизига «Аму-занг» канали оби ҳаёт етказиб беради. Секундига 120 куб метр сув ўтказиш қувватига эга иншоотнинг биринчи ва иккинчи кўтарма каналлари оралиғидаги 14,5 километр масофада тозалаш-тиклаш ишлари бажарилди. Иншоотда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган тўртта давлат унитар корхонаси ҳамда бош пудратчи – «Тўпалангсув-ГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа вақтда 640 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ ишларини амалга оширди. Бунда йигирмага яқин замонавий экскаватор ва ўндан ортиқ механизмлар кучидан унумли фойдаланилди. Мазкур тадбир вилоятдаги юз минг гектардан ортиқ экин майдонининг сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

– Экин мавсуми олдидан ушбу иншоотда олиб борилган ишлар ўз самарасини беради, – дейди «Аму-Сурхон» сув ҳавзалари бошқармаси бўлим бошлиғи Шуҳрат Махсумов. – Мазкур каналнинг қум ва тупроқ чўкиндилари билан тўлиши сўнгги йилларда сув ўтказиш қувватини пасайтириб юборган эди. Натижада, насос ёрдамида суғориладиган майдонларда сув тақчиллиги юзага келди. Канални тозалаш учун механизаторларга барча шароитлар яратилди. Махсус тиббий гуруҳ ташкил этилиб, шу ернинг ўзида ишчиларнинг соғлиғи назоратга олинди.

Бу ерда замонавий сув тиндиргич иншооти ҳам барпо этилди. У Амударёдан оқиб келадиган қум ва бошқа чўкиндиларни ушлаб қолиш билан бирга насос агрегатларининг узоқ муддат ишлашини таъминлайди. «ТўпалангсувГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамияти раиси Исомиддин Бековнинг айтишича, узунлиги 1 минг 680 метр, чуқурлиги 60 метрни ташкил этадиган иншоотда 6 миллиард 972 миллион сўмликдан ортиқ иш амалга оширилди. Айни пайтда мазкур тиндиргич орқали «Аму-занг» насос станциясига бир маромда сув ўтказиб берилётир.

Вилоятдаги ушбу йирик канал тизими Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Термиз туманларида насос билан суғориладиган экин майдонларини ўз вақтида суғориш муаммосини ҳал этиш билан бирга Жанубий Сурхон сув омборига ҳам оби ҳаёт етказиб бериш қувватини қайта тиклади.

Ангор тумани далалари тўлиқ «Аму-занг» канали орқали суғорилади. Экин майдонларининг 14 минг 326 гектарида ғалла ва пахта етиштирилади. Музработ туманида деҳқончилик қилинаётган экин майдонлари ҳам мазкур канал ёрдамида сув билан таъминланади.

– Сув тақчиллиги пайдо бўлган йилларда пахта, ғалла ва бошқа экин майдонларини меъёрида суғориш имконияти чекланиб қолар эди, – дейди Музработ туманидаги «Анорхол Хоналиева» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳҳор Қодиров. – Ўтган йили экин майдонларимиздаги коллекторлар таъмирланиб, ернинг шўри ювилди. Жорий йилда «Аму-занг» канали қайта тикланганги деҳқонларни жуда қувонтирди.

Ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказдик. Бу йил сув тақчиллиги бартараф этилгани туфайли ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш имкони пайдо бўлди. Шунингдек, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларда ҳам, шахсий томорқа хўжалигимизда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун замин яратилди. Халқимиз, ери бойнинг эли бой, дейди. Ерни даромад манбаига айлантирувчи муҳим омиллардан бири сувдир. Бу неъматни исроф қилмай, ундан оқилона ва тежамкорлик билан **фойдаланиш** ҳар биримизнинг инсоний, фуқаролик **бурчимиздир.**

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Сурхондарё вилояти

Кунгина муҳим воқеалари

○ 6 март куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

○ Наманган вилояти ўлкашунослик музейида ёш мўйқалам соҳиби Аъзамжон Насриддиновнинг "Қалб садоси" деб номланган суратлар кўргазмаси очилди.

○ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида стол тенниси бўйича "Камолот" маликаси" мусобақаларининг финал босқичи якунланди. Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг вилоят босқичларида ғолиб чиққан эллик олти нафар қиз ўзаро куч синашди.

○ Самарқандда кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этиб, 15 вазн тоифасида ўзаро беллашди.

○ Булунғур туманидаги Килдон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида ўттизга яқин корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада коллеж битирувчилари, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ва бошқа фуқаролар таклиф этилаётган иш ўринлари, мавжуд шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишиб, корхоналар билан шартномалар имзолади. Шу куни 65 киши ишга йўлланма олди.

○ ХАБАРЛАР ○

"БАҲОР ТАРОНАЛАРИ" дилларни хушнуд этди

ЖИЗЗАХ вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан Наврўз умумхалқ байрами ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб, "Баҳор тароналари" энг яхши қўшиқлар вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов якунига кўра Жиззах шаҳридан Юсуф Мирзаевга I даражали диплом ва "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлимининг 9 ойлик маданий хизмат кўрсатиш учун белгиланган лицензияси, Фориш туманидан Суҳроб Ибрагимовга II даражали диплом ва 6 ойлик лицензия, Пахтакор туманидан Дилшод Ибрагимовга III даражали диплом ва 3 ойлик лицензия топширилди.

Шунингдек, кўрик-танловнинг "Наврўз ҳақидаги энг яхши қўшиқ" номинацияси бўйича юқори даражадаги ижро маҳорати учун Назокат Умирзоқова ва Бекзод Ҳабибов, "Аёлларни мадҳ этувчи энг яхши қўшиқ" номинацияси бўйича Фарҳод Фармонов ва танловнинг энг ёш иштирокчилари Назокат Қўлдошева ва Анора Раҳматовалар ғолиб деб топилди.

САМАРҚАНД вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида вилоятнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган хотин-қизлар ўртасида "Соғ танда — соғлом ақл" шиори остида спартакиада мусобақалари ўтказилди.

"СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ"

Босқичма-босқич ўтказилган ушбу тадбирда 4850 нафар хотин-қиз спортнинг 8 тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Унда Булунғур, Пахтачи, Пастдарғом, Каттақўрғон тумани ва Самарқанд шаҳри хотин-қизлари фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Голиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, вилоятда "Наврўз", "Баҳор", "Табиат" ва "Севги-муҳаббат" мавзуларида яратилган куй ва қўшиқлардан иборат вилоят фольклор-этнографик жамоаларининг "Наврўз-2009" вилоят кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда 16 та жамоа икки қисм бўйича ўзаро беллашишди. "Сарбози", "Чавки", "Бешқарсак", "Миёнқол", "Тўтижон", "Чинор" фольклор-этнографик жамоалари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Хусан БУРҲОНОВ,
Мухтасархон КАРИМОВА,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутаҳассислари.

ТАДБИРКОРЛИК ТУФАЙЛИ...

оилавий тиббий ходимлар ўз поликлиникаларига эга бўлдилар

Чорак асрдан буён шифокор бўлиб ишлаётган хиваликлик Оллоберган ака ва унинг умр йўлдоши Гуля опалар яқинда яна бир мақсадларига эришдилар.

Ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлардан бири — кредит олиш туфайли оилавий шифокорлар сардори О.Хударганов "Микрокредитбанк"нинг 30 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига икки қаватли хусусий тиш поликлиникаси биносини қуриб, ишга туширди. Янги шифо масканида барча даволаш хоналари хорижда ишлаб чиқарилган энг янги тиббий ускуналар, замонавий русумдаги стоматологик қурилмалар билан жиҳозланган.

Дарвоқе, Оллоберган ака ва Гуля опаларнинг фарзандлари Умидбек, Дилфуза, Дилбархонлар ҳам ота-оналари касбига меҳр қўйишиб, Тошкент медицина институтини тиш шифокорлиги мутахассислиги бўйича тугаллаб, шу соҳада хизмат қилишади.

— "Хивадентасервис" поликлиникаси ходимлари хизматидан жуда хурсандмиз, — дейди мижозлардан бири Шавкатбек Собиров. — Бу ерда баъзи тиббий муассасалардагидек навбат кутишлар, ҳужжат тўлдиришлар учун бекорга вақт сарфламаймиз. Хизмат сифати кўнгилдагидек, нархи бошқаларникидан арзон. Менга маъқул бўлган яна бир томони бу ердаги барча тиббий ходимларнинг ширинсуханлиги, хушмуомалалигидир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ўзларининг хусусий поликлиникасида иш бошлаб, бирин-кетин эшитган Оллоберган ота Хударганов бошлиқ оилавий жамоанинг юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишларидан хиваликлар мамнун бўлишмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Хоразм вилояти

Дўппиларда акс этар юртим рафтори

Фарғона вилояти азалдан нозиктаъб ҳунармандлари билан машҳурдир. Айниқса, юртимиз мустақиллигидан сўнг ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар янада кўпайди.

"Эколюффа" хусусий фирмасида дўппидўз Матлуба опа Исмоилова раҳбарлигида ёшларга ҳунармандчиликнинг сирлари қунт билан ўргатилмоқда. Матлуба опа турли хилдаги дўппилар тикиб, уларни келажакда дунё бозорига ҳам олиб чиқишни режалаштирмоқда. Тўғрироғи, ҳозирданоқ ушбу фирма маҳсулотларига хориждан буюртмалар туша бошлади.

Ўзбекистонда дўппининг 500 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ҳар бир вилоят, шаҳарда ўзига хос йўсинда тикилади. Шу сабаб дўппига қараб унинг эгаси қайси вилоят ёки шаҳардан эканлигини осонгина билиб олиш мумкин.

Масалан, Андижон дўппиларида гуллар тасвири йирикроқ акс эттирилиб, бу ҳудуд кишиларининг улуғворлиги ва дангалчилигидан хабар беради.

Кўқон дўппилари – гуллари латифликка мойил, сиёҳ рангга уйғунлиги билан ўзгача гўзалликка эга. Бу ўз ўрнида қўқонликлар характерига сингиб кетган латифликни ва зукколикни уқтираётгандек гўё.

Тошкент дўппилари – олижаноблик ва одамшавандаликни, воҳа дўппилари эса меҳнатсеварлик ва тантиликни ифодалаётгандек туюлади.

Дўппилардаги нақшлар, гуллар замон ва макондан хабар беради.

Дўппидўзлик Марғилонда қадимдан ривожланган. Марғилонлик хотин-қизлар орасида дўппи тикишни билмайдигани йўқ, деса ҳам бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга кетган йигитларга атаб қизлар шундай қўшиқ айтишган экан:

Ироқи дўппи кийманглар,
Йироққа кетди йигитлар.
Бодом дўппи тикинглар,
Боғда юрсин йигитлар.

Яхши ниятлар билан қизлар бодом гулли дўппилар тикиб йигитларини, опа-сингиллар ака-укаларини,

ҚАДРИЯТ

аёллар севикли ёрларини кутишган, омон қайтганларининг бошига дўппи кийгизишган.

Дўппи бошни совуқдан, иссиқдан асрайди. Сабаби, унинг астари табиий матодан тикилиб, асл ипак билан майда қилиб қавилади. Ҳар бир қавиқ орасига эса пилта – найчалар жойлаштирилади. Бу найчалар ўз ўрнида ҳаво алмашиб туришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам уни ҳар қандай об-ҳавода кийиш мумкин. Энг муҳими, дўппига юртга ва инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат кўри қўшиб тикилади.

Зеро, гўзал нақшлар тика билган дўппидўз қизларнинг қалби ҳам гўзалдир. Улар тиккан бежирим дўппиларда юртнинг рафторини кўргандай бўламан.

Хорижда миллионерлар ўз фарзандларини ёшлигидан пул ишлаб топишга ўргатганидек, Матлуба опа ҳам инсонни ҳалол пул топишга болаликдан ўргатиш керак, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун ҳам у маҳалла болаларига меҳнат қилишлари учун имкониятлар яратган. Болалар фирмада санаб гул тикиш, мунчоқни санаб, ипга тизиш, турли мунчоқларни алоҳида-алоҳида қутичаларга солиш, мунчоқдан болалар дўппилари четига гул тикиш каби ишлар билан банд бўлишади. Болалар иш ҳақи тўланадиган бундай оддий

юмушларни жон-жон деб бажаришмоқда. Улар келажакда ҳунарманд халқнинг муносиб ворислари бўлса ажаб эмас.

Инобат СУЛТОНОВА,
журналист.

Фарғона вилояти

Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун "Истеъмолчилар маданияти асослари" ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Зарнигор – кўрик-танлов ғолиби

Яқинда ушбу фаннинг ўқитилишини янада такомиллаштириш мақсадида вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ва қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Навоий шаҳрида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи-2009" кўрик-танлови ўтказилди. Унинг вилоят босқичида Қизилтепа уй-жой қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зарнигор Норова барча тест синови ва ижодий топшириқларни аъло даражада бажариб, ғолибликни қўлга киритди.

Бахриддин САДРИДДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа даҳлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ — ривожланиш омили

Юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлаётган ривожланиш ва ютуқлар замирида Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар турибдики, уларнинг пировард мақсади инсон манфаатлари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, саноатни қишлоққа жадаллик билан олиб кириш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш каби кўпдан-кўп вазифалар бажарилиши мақсад қилиб қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Сурхондарё вилоятини "2008-2012 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастури" қабул қилинди. Мазкур дастурга мувофиқ вилоятимиз туманларида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятда 2008 йилда бўш иш ўринлари учун 66 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 5581 киши иш билан таъминланди.

Қишлоқларда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, касаначилик, тадбиркорлик объектларини яратиш, фермер хўжаликлари, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 2008 йилда вилоятда 3391 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилиб, бунинг учун тижорат банклари томонидан жами 451,5 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг белгиси сифатида адлия тизимида ҳам фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонун манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш, малакали ҳуқуқий хизматни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ишларни амалга оширишда вилоятда адлия бошқармасининг тегишли тизимлари жамоалари, туман (шаҳар)ларда ФҲДЁ бўлимлари, 19 та давлат нотариал идоралари, 10 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, 150 нафардан ортиқ адвокатлар фаол қатнашмоқдалар.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигини ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирларга кўра, 2008 йилда жойларда 2576 тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шундан 675 таси оммавий ахборот воситалари орқали ташкил этилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун 2008 йилда 229 та (105,1 миллион сўмлик) даъво аризалари судларга киритилди ва қаноатлантирилди. Жумладан, Жарқўрғон туманидаги "Зулфия" фермер хўжалиги фойдасига жавобгар "Сурхон-пахта" хиссадорлик жамиятидан 12 миллион 17 минг сўмни ундириш ҳақидаги даъво аризаси Сурхондарё вилояти хўжалик судида мазмунан кўриб чиқилиб, даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Шўрчи туманида фаолият кўрсатаётган "Полвонтош" хусусий фирмаси раҳбари Х.Каримовга Шўрчи тумани ҳокимлиги томонидан асоссиз равишда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилмаётганлиги ҳолати бўйича, адлия бошқармаси томонидан текшириш ўтказилди ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли тақдимнома киритилди. Унга кўра, мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо кўрилишига ва Х.Каримовга улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 088-сонли лицензия берилишига эришилди.

Денов тумани "Денов Чағониён транс" МЧЖ раҳбари М.Ибрагимовнинг Россия давлатидан олиб келинган 10 дона "Газель-32213" русумли автотранспорт воситаларини рўйхатга қўйиш учун Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲХБ Денов туманларо рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлимининг йўл фондига 20 фоиз ажратма тўлашни талаб этаётганлигидан норози бўлиб, ёзган аризаси, адлия бошқармасининг аралашуви билан ҳал қилиб берилди. Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Акбар ТОШҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Ҳуқуқ

Фуқароларга кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдамни яхшилаш учун вилоятимизнинг тоғли Бойсун, Сариосиё, Узун, Олтинсой ва Шеробод туманларидаги қишлоқ аҳолисига малакали адлия ходимлари, нотариуслар, ФҲДЁ ходимлари ва адвокатлардан иборат тарғибот гуруҳи ташкил этилиб, улар томонидан мунтазам равишда жойларда жонли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, 2009 йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир.

Қишлоқда маҳалла бошқарувини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий ва маънавий билимини янада юксалтириш, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этишдек вазифаларни бажаришимиз учун барчамиз масъулмиз. Амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигига, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя этишга хизмат қилиши табиий.

Акбар ТОШҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Агромаслаҳатхона

Ўз вақтида ва сифатли ўтказилган шудгор эрта баҳорги агротехник ва мелиоратив тадбирларни оби-тобида бажаришга, ҳосилнинг эрта пишиши ва йиғиштирилишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ерни чигит экишга тайёрлаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлардан бири шуки, кузда баъзи бир сабаблар билан шудгор остига маъдан ўғитлар солинмаган майдонларга экин олдидан гектарига 200 кг дан аммофос солиниши лозим. Ва шу вақтда чизелга тиркалган боронада ишлов бериш зарур.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУГУНГИ ЮМУШЛАРИ

Эрта баҳорги бороналаш бир марта ўтказилади. Агарда ушбу тадбир ўтказилгач, кучли ёғингарчилик бўлиб, қатқалоқ ҳосил бўлса, майдон иккинчи марта бороналанади.

Тупроқнинг унумдорлигини таъминлаш учун ушбу тадбирнинг занжирли тракторлар (Т-4А, ВТ-150, ДТ-75 С) ёрдамида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бороналашни механик таркиби ўрта ва оғир тупроқларда ғилдиракли тракторлар билан ўтказиш тавсия этилмайди.

Шўрланмаган ва яхоб суви берилмайдиган майдонларда намни сақлаш учун бороналаш икки қатор қилиб ўтказилади. Шўри бир неча марта ювилган ва яхоб суви берилган майдонларда тупроқ анча зичлашиб қолгани ҳисобга олиниб, орқасига борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади.

Бу йил сув танқислиги кузатилиши мумкинлиги ҳисобга олиниб кўп майдонларда яхоб суви бериш тавсия этилди. Енгил тупроқларда сизот сувлари чуқур жойлашган, шамол эрозиясига мойил ва жанубий минтақаларда яхоб суви бериш асосан чигит экишдан 15-20 кун олдин ўтказилиши керак. Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент вилоятларида экиш олдидан 1000 м³/га, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 1200-1500 м³/га, шунингдек, енгил, қумоқ тупроқлар учун 600-900 м³/га меъёрларда суғориш тавсия этилади.

Юқори синфли тукли чигитларни экиш меъёри, тупроқ иқлим шароитига қараб 55-60 кг дан ошмаслиги керак. Туксиз чигитлар эса гектарига 25-30 кг ни ташкил этиши лозим.

Сув танқис шароитда экишга тайёрланган чигитларни намлашга катта аҳамият бериш керак. Экиладиган чигитни намлаш табақалаш йўли билан ўтказилади. Экиш муддатига қараб 1 тонна уруғни намлаш учун 600 литргача сув сарфланади. Бу тадбир олдиндан тайёрланган махсус бетонланган майдончаларда ўтказилади. Унинг бўйи 5-6 м, эни 2,5-3 м ва баландлиги 30-35 см катталикда, бетонланган бўлиши лозим. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини 20-25 см дан оширмаслик зарур. Намлаш 3 босқичда: биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, 200 литрдан сув сарфланса, чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади. Намланган чигитни сақлаш муддати 12 соатдан ошмаслиги даркор.

Чигит экилган тупроқда намлик мақбул даражада ва тупроқнинг 10 см қатламидаги ўртача суткалик ҳарорати 12-14°С бўлиши керак.

Чигит экишнинг энг мақбул чуқурлиги ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 3-4, бошқа турдаги тупроқларда 4-5 сантиметр ҳисобланади. Сеялка ҳар бир пайкалнинг хусусияти, табиий-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда созланади. Масалан, 90 сантиметрли қатор оралиғида экиладиган майдонда қаторнинг ҳар бир погон метрида 8-10, 60 сантиметр кенгликда экиладиган пайкалда эса 6-7 уя бир хил ораликда жойлашадиган қилиб созланади ва текшириб кўрилади.

Тукли чигит экиладиган бўлса, намланган уруғликдан сеялка аппаратларига солиниб, ҳар бир сошник тагига идиш қўйилиб, ғилдираклари бир-икки маротаба айлантирилади. Ҳар бир сошникдан тушган чигит белгиланган миқдорда бўлса, сеялка тўғри созланган бўлади.

Тупроқни экишга тайёрлаш пайтида азотли ўғитлар берилмаган бўлса, уруғлик экишда бир йўла чигит қаторининг 7-8 см ёнидан, 12-15 см чуқурлигида фосфорли ва азотли ўғитлар берилади. Уларнинг миқдори ва турини мутахассис хўжалик агрокимё картограммасига асосан белгилайди.

Чигит пуштага экилганда одатдагига нисбатан тупроқ ҳарорати 2-3 даража юқори бўлади. Бу усул табиий намлик чигитнинг униб чиқишига етарли бўлиши ҳисобига ўртача 5-6 кун олдин экишга имконият яратади. Шунингдек, пуштага экилганда ҳосилдорлик ҳар гектар майдонда 3-4 центнер кўп тўпланади ва пахтанинг 8-10 кун олдин пишишини таъминлайди. Бу усулдан асосан шўрланмаган тупроқларда фойдаланилади, шунингдек, шўри яхши ювилган ерларда ҳам қўлланса бўлади.

Баҳорда ёмғир, сел ва дўл ёғиши оқибатида қатқалоқ ҳосил бўлиб туради, оқибатда илдиз чириш касаллиги тарқалиши мумкин. Бу кўчат сонини камайтириб юборади. Ана шундай пайкалларда сеялкада ёки қўл билан хатосига чигит экиб, кўчатни мўлжалдаги миқдорга етказиш мақсадга мувофиқдир.

Ренат НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.
Жамшид ҒАППОРОВ,
Асқар САФАРОВ,
ТошДАУ магистрлари.

Қарор ижроси таъминлангач...

гўшт ва сут маҳсулотлари нархи арзонлашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир. Бозорларимизда гўшт ва сут маҳсулотлари сезиларли даражада кўпайиб, нарх-навонинг арзонлашаётганлиги кузатилмоқда. Чунки ўтган даврда мазкур ҳужжат асосида ҳар бир вилоят ва туманларда омихта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган бирлашма ҳамда жамиятлар ташкил этилиб, уларнинг махсус шохобчалари орқали аҳоли ва фермерларга арзон нархларда озуқа маҳсулотларини етказиб бериш йўлга қўйилди.

Тошкент вилоятида ҳам Президентимизнинг юқоридаги қарори ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳар ва туманларда 17 та жамият ташкил этилиб, улар қошида 180 та шохобча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тижорат банклари томонидан бирлашмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва дастлабки сармояларни ривожлантириш мақсадида 308 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Айни вақтда товархомашё биржа савдоларидан амалдаги тартиблар асосида харид қилинаётган омихта ем, шрот ва шелуха маҳсулотлари бирлашмалар орқали ҳудудлардаги барча фермер хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгалари тасарруфидаги чорва моллари-нинг бош сонини ҳисобга олган ҳолда етказиб берилмоқда. Вилоятда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда туман бирлашмаларига ойлик озуқа тақсимоти ишлаб чиқилган. Унга кўра ҳар ойда 3121 тонна омихта ем, 21477 тонна шрот ва 14454 тонна шелуха талаб этилади. Туман бирлашмалари орқали ўтган даврда биржа савдоларидан 46930 тонна маҳсулот харид қилиниб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Озуқа сотишдан тушган маблағ 5234,8 миллион сўмни ташкил этди. Ёғ-мой ва дон корхоналаридан олинган омихта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини ҳудудлардаги шохобчаларга тизимли етказиб бериш борасида маҳсулотларнинг сифатини белгиланган меъёрлар даражасида бўлишини доимий назорат қилиб бориш учун лабораториялар билан шартномалар тузилган. Жойлардаги барча шохобчалар зарур жиҳозлар билан таъминланган. Маҳсулотларни аҳолига нақд пулга, чорвачилик ва саноат асосида ишловчи паррандачилик фермаларига эса пул ўтказиш йўли билан сотиш йўлга қўйилмоқда.

Қарор ва ижро

— Президентимизнинг ушбу қарори жойларда чорва моллари сонини янада кўпайтириш, бозорларимизда гўшт, сут маҳсулотларининг арзонлашишига катта имконият яратди, — дейди Оҳангарон туманидаги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Болгинбоев. — Бугунги кунда йиғинимизга қарашли қишлоқларда аҳоли қўлида 3385 бош чорва моллари бор. Улар туман омихта ем сотиш бирлашмасининг ҳудудимизда очилган 1-сонли шохобчаси орқали маҳсулотларини ўз вақтида арзон нархларда харид қилиб олишмоқда.

Пскент тумани омихта ем сотиш жамияти бугунги кунда вилоятдаги энг намунали жамоалардан ҳисобланади. Шунинг учун шохобчалар фаолияти ва истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш бўйича тўпланган тажрибани оммалаштириш мақсадида яқинда бу ерда вилоят бирлашмасининг кўргазмали амалий семинари бўлиб ўтди. Жамият бошқаруви раиси Зафар Комилов таъкидлаганидек, қарор ижроси натижасида жамият қошида айни вақтда 8 та ем сотишга ихтисослашган махсус дўконлар очилган бўлиб, улар орқали истеъмолчиларга озуқа маҳсулотлари қатъий тақсимот асосида етказиб берилмоқда. Бу эса гўшт ва сут маҳсулотларининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Бекобод-Бўка ва Оққўрғон туманларида фаолият кўрсатаётган омихта ем сотиш жамиятлари фаолияти тўғрисида ҳам мана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

— Кўшимча шохобчалар қуриш ва улар сонини босқичма-босқич кўпайтириб бориш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган, — дейди вилоят чорва озуқа бош бирлашмаси раҳбари Жамшид Ибраев. — Яқин келажакда озуқа сотишга ихтисослашган дўконларнинг ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда бўлишига тўлиқ эришилади. Бу ўз навбатида чорва маҳсулотларининг яна ҳам арзонлашишига шароит яратади. Ҳақиқатан ҳам бугун шаҳар ва туман бозорларини айланган киши юқоридаги сўзларнинг нечоғли тўғри эканлигига гувоҳ бўлади, фақат гўшт ва сут маҳсулоти эмас, паррандa гўшти ҳамда тухумнинг ҳам кун сайин арзонлашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса қарор бераётган фаровонликнинг амалий ифодасидир.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Тошкент вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

БАҒДОД ҲАМОН НОТИНЧ

Куни кеча Ироқнинг Бағдод шаҳридаги полиция академияси биноси олдида кучли портлаш юз берди. Оқибатда, 28 нафар киши ҳалок бўлди, 57 нафар киши оғир жароҳатланди.

Портлаш полиция хизматига чақирилган ироқлик бир гуруҳ ёшлар академия биноси олдида навбат кутиб турган вақтда рўй берди. Воқеа шоҳидларининг таъкидлашича, мотоцикл минган террорчи-ҳудкуш катта тезликда келиб ўзини оломон ичига урган. Ҳалок бўлганлар орасида полиция ходимлари ва бўлажак полициячилар кўпчиликни ташкил этади.

Шу куниёқ, биринчи портлашдан бирмунча кейинроқ шаҳар марказида яна бир, аввалгисидан анча кучли портлаш юз берди. Катта миқдордаги порловчи воситалар юкланган енгил автомашина масофадан туриб бошқариладиган мослама ёрдамида портлатилган. Теракт курбонлари сонини ва шахсини аниқлаш қийин кечмоқда. Бу портлаш террористик хуружлардан ўта мукаммал тарзда ҳимоя қилинувчи "яшил ҳудуд" яқинида рўй берди.

Полиция академияси масъулларидан бири "Ироқ полициясида бўлишга талабгор фуқаролар террорчиларнинг асосий нишони эканини яхши биламиз. Шу боисдан талабгорларга ҳамиша бир ерга тўпланмаслик ва бошқа эҳтиёт чораларига амал қилишни эслатиб турамиз. Лекин афсуски, кўпчилик бу огоҳлантиришларга беписанд қарайди", деб интервью берган.

Полиция академияси биноси кейинги тўрт йил мобайнида Бағдоддаги энг кўп террористик хуружларга нишон бўлган иншоотлардан бири ҳисобланади. Бу хуружлар оқибатида қурбон бўлганлар сони юзтадан ортиб кетди.

ИБОДАТХОНАНИ ЎҒРИ УРДИ

Норвегияда нархи 2,5 миллион еврога тенг бўлган тасвирий санъат асари ўғирлаб кетилди. Европа Уйғониш даврига оид бу асар ўз даврининг машҳур рассоми Лукас Кранах-катта мўйқаламига тегишли. Рассом ўз асарини "Болаларга яқин бўлишимга ижозат бер", деб номлаган экан.

Тасвирий санъат асари Ларвик шаҳридаги ибодатхонада қарийб 1677 йилдан буён, яъни ибодатхона қурилганидан бери сақлаб келинар эди. Мутахассислар, ўғрилар дунёга машҳур санъат асарини сотишда анча қийналиши аниқ, чунки бунинг учун тасвирий санъат борасида махсус билим ва кўникма талаб этилади, дейишмоқда. Ўғирлик каттароқ товон пули ундириш мақсадида содир этилган бўлиши ҳам мумкин.

ИШСИЗ ҚОЛГАНЛАРГА ҚИЙИН БЎЛАДИ

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳар йили анъанавий тарзда тайёрланадиган ҳисоботда жорий йилда дунёда ишсизлар сони ўрта ҳисобда 24-52 миллион нафарга кўпайиши мумкин, дейилади.

Мутахассисларнинг фикрича ишсизлик эркакларга нисбатан аёллар ўртасида авж нуқтага чиқиши мумкин. Бундай ҳол дунёнинг деярли барча ҳудудларида, айниқса, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи атрофидаги мамлакатларда яққол сезилади. Маълумотларда бутунжаҳон молиявий инқирози оқибатида иш жойидан айрилувчи аёллар сони дунё бўйича 10 миллиондан 22 миллион нафарга етиши мумкинлиги қайд этилган. 2009 йил давомида дунёда ишсизлар сони 6,3 фоизга ортгани ҳолда, аёллар ўртасида бу кўрсаткич 7,4 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

▲ "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

"Бексариқ"да мавсум

Баҳор Қўшработда ўзгача кечади. Бу ерлик чорвадору ғаллакорлар кўпроқ "осмонга қараган"лардан. Яъни, кенг далми майдонлар, яйловлар об-ҳавонинг қандай келишига қараб ўз саҳоватини очади. Қишнинг илиқ келиши ҳамда баҳорнинг серёғин бошлангани Қўшработ адирларини яшнатиб юборди.

Тумандаги Зарбанд қишлоғидаги "Бексариқ" фермер хўжалиги қорақўлчиликда илғорлар safida. Фермер – донгдор чўпон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Убайдулла Ғофуров. Унинг отари Чилбайрам, Питовдара, Тешиктоғ, Желтегирмон яйловларида боқилади.

– Айни пайтда тўл мавсуми бошланиб кетди, – дейди Убайдулла аканинг ўғли Аҳрор Ғофуров. – Бу эса биз чорвадорлар учун "ғалвир сувдан кўтариладиган" палла ҳисобланади. Меҳнатимиз самараси кўринадиган давр. Насиб бўлса, масъулиятли мавсум натижаси юқори бўлишига ишонамиз.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.
Самарқанд вилояти

Қашқадарё вилоятида ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Профилактика нозирлари ва жойлардаги маҳалла посбонлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали бу масалаларга катта эътибор қаратилган.

ПОСБОН ҲУШЁР, МАҲАЛЛА ТИНЧ

– Бу соҳадаги ишларимиз ўзининг ижобий самараларини бераяпти, – дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Мухсин Дўстов. – Жорий йилда Нишон туманидаги Абдулла Қодирий маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги янги замонавий милиция таянч пункти биноси барпо этилди. Ушбу таянч пунктида маҳалла осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг талаб ва истакларини қондириш соҳасида барча шарт-шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам мазкур таянч пункти мамлакат миқёсида ўтказилган намунали милиция таянч пунктлари кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади ва ҳукуматимиз ҳамда республика Ички ишлар вазирлиги томонидан "Матиз" енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Ҳамкорлик

Ҳа, профилактика инспекторлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда маҳалла ва қишлоқларда муайян ишларни амалга оширишмоқда. 2009 йилнинг дастлабки ойларида 84 та жиноят фош этилди. Ҳуқуқбузарлик содир этиб, қидирувда юрган 7 нафар шахс қўлга олинди. 8733 нафар фуқароларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Жойларда фаолият кўрсатиб келаётган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардорлари ва уларнинг аъзолари ёрдамида 1902 та турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва 19 та жиноят фош этилди. Алоҳида намуна кўрсатган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардорлари ва аъзоларининг 15 нафари рағбатлантирилди.

Жойларда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, яъни уларни таъмирлаш ва биноларини барпо этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида биттадан замонавий милиция таянч пунктлари биноларини қуриш режалаштирилган.

Ҳозиргача Қарши шаҳри, Нишон ва Деҳқонобод туманларида милиция таянч пунктлари биноларини қурилиб фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги ўз-ўзини бошқариш органлари билан профилактика инспекторлари ўртасида ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Улар тўй ва ҳашамларни тинч-осойишта ўтишини таъминламоқдалар. Бундан ташқари, профилактика инспекторлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда маҳалла ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳусан ТЕМИРОВ
Қашқадарё вилояти

УЛОВ БЎЛСА, МАНЗИЛ ЯҚИН

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

Қишлоқнинг икки-уч нафар мўйсафиди бекатга яқинлашиб борар эканлар, улардан бири йўловчиларни кутиб тизилишиб турган автоуловларга ишора қилиб, гап қотиб қолди: "Зап яхши замон бўлди-да, бир вақтлар шаҳарга тушиб келиш учун бир кун овора бўлардик. Унда ҳам автобус қурғур келса, келмаса бу ҳам йўқ. Ҳозир бу уловлар бир соатда қишлоқдан шаҳарнинг нариги чеккасига олиб бориб қўяди".

— Ҳозир қарилигимиз панд бермаса, йўлнинг ташвиши йўқ, — дея гапни илиб кетди улардан яна бири кулиб. — Улов кириб бормайдиган маҳалла, қишлоқ қолмади ҳисоб. Неваралари ҳам ҳар куни шу уловларда қатнаб шаҳарда таълим олишаяпти.

Чиндан ҳам кейинги йилларда Бухоро вилоятида бошқа соҳалар қатори аҳолига қулай транспорт хизмати кўрсатиш борасида мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилди. Бугун шаҳар марказидан олис туман қишлоқларига ёки аксинча, чекка ҳудудлардан вилоят марказига йўл олган йўловчи транспорт воситасини кутиб ушланиб қолмайди, бекатларда беҳудага вақт ўтказмайди.

— Ҳозирда вилоятимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатадиган 112 та корхона фаолият юритаяпти. Улар вилоятдаги 205 та ҳудуд ва 21 та шаҳарлараро йўналиш бўйича иш олиб боришади, — дейди Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Бухоро вилояти бўлими бошлиғи Зокир Облобердиев. — Ҳар куни бу йўналишлар бўйича 1950 дан ортиқ транспорт воситалари белгиланган жадвал асосида ишлайди. Бу транспорт воситаларининг 212 таси автобус, 1728 таси кичик автобус ва "Дамас" русумли автоуловлардир.

Бундан икки-уч йил олдин йўловчи ташиш билан шуғулланадиган транспорт воситалари йўналишининг сони бор-йўғи 112 тани ташкил этарди. Шу йиллар орасида 34 та ПАЗ, 68 та "Isuzu" русумли автобуслар сотиб олинди. Кичик автобус воситаларининг эса 80-90 фоизи янгиланди. 2009 йили 67 та транспорт йўналиши очиш, 64 та янги русумдаги автобуслар сотиб олиш режалаштирилган. Бу рақамларнинг ўзиёқ аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматининг яхшиланганлигини кўрсатиб турибди.

— Аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб, хизмат кўрсатиш маданиятини тобора яхшилаб бораяпмиз, — дейди 137-йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатаётган "Арго" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ҳайдар Ишмуҳамедов. — Автоуловларимизнинг барчаси йўловчи ташишга қулай бўлган замонавий транспорт воситаларидир.

Ҳа улов бўлса, манзиллар яқин, йўловчиларнинг эса муш-кули осон бўлаверади.

СУРАТДА: *137-йўналиш назоратчи мутахассиси Обид Аминов ҳайдовчи Шавкат Раҳимов ва Баҳриддин Раҳматуллаевларга тегишли кўрсатмаларни бермоқда.*

Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Бухоро вилояти

Пойтахт вилоятида кўзга кўринган қишлоқ мулкдорлари ҳақида гап кетганида Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримовнинг номи фахр билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. У қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг негизи ҳисобланган фермерлик ҳаракатига нафақат Тошкент вилоятида, балки мамлакатда биринчилардан бўлиб қўшилганди. А.Каримов мулкдор бўлиш қандай катта имкониятлар яратишини йилдан-йилга янада ёрқинроқ намоён этиб келмоқда.

"Покиза-М":
ПАРРАНДАЧИЛИККА АСОС СОЛИНМОҚДА

У бошлиқ жамоа эллик икки гектар ер билан иш бошлаган бўлса, навбатдаги танловларда яна уч марта муваффақиятли қатнашиб, экин майдонларини кенгайтиришга эришди. Шу тариқа фермер хўжалиги ерлари 200 гектарга етди. Дастлабки пайтда иккитагина техника воситаси бор эди. Ҳозир эса ҳайдов, қатор ораларига ишлов бериш ва бошқа юмушлар бажариладиган тракторлар, комбайнлар сони 15 тадан ошиб кетди. Биринчи йили пахта ҳосилдорлиги 20 центнер атрофида бўлганди. Орадан икки-уч йил ўтгач, бу кўрсаткич 28-32 центнерга етказилди. Ғаллачиликда ҳам кўп йиллардан бери сурункасига қувончли натижаларга эришилмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси даромадни оширишга замин бўлмоқда. Фойданинг асосий қисми ишловчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, фермер хўжалигининг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Хайр-саховат, ҳомийлик ишлари ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда. Оталиқдаги 14 ва 37-мактаблар бинолари таъмирлашга доимий равишда маблағ ажратилади. Хўжа ва Қорасийлоқ қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қувурлар янгилаб берилди. Туман марказий шифохонасини таъмирлашга фермер хўжалиги ўз ҳиссасини қўшди. Маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига меҳнат фахрийларининг саёҳати уюштирилди, ёшларнинг мучал тўйлари ўтказилди, театр, концертларга жамоа бўлиб бориш одат тусига кирди. Бундай хайрли ишларга кейинги етти-саккиз йилнинг ўзида 80 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Изчил ривожланиш, эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримовнинг эл-юртдаги обрў-эътибори ошиб бормоқда. Президентимиз Фармонига кўра у "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 2008 йилнинг октябрида Тошкент вилоятига ташриф буюрганида кўплаб фермерлар, жумладан, Абдумалик Каримов билан атрофлича суҳбатлашди, қимматли йўл-йўриқлар, тавсиялар берди. Навбатдаги режалар билан қизикди. Шунда фермер Президентимизга ишлаб чиқариш жараёнларига қишлоқ аҳолисини янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг даромадини кўпайтириш, коммунал тўловлар масаласини ҳал қилишда яқиндан кўмаклашиш, пахтачилик, ғаллачилик билан бир қаторда чорвачилик, шу жумладан, паррандачиликни йўлга қўйиш ниятида эканлигини тўлиб-тошиб гапириб берганди. Юртбошимиз томонидан 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши Абдумалик Каримовнинг орзуларини янада жўштириб юборди. У беш минг она товуққа мўлжалланган, икки корпусдан иборат паррандачилик фермасини қисқа муддатда бунёд этиб, тухум етиштиришни йўлга қўйишга бел боғлади. Шу ниятда янги ишлаб чиқариш тармоғининг лойиҳа-смета ҳужжатларини, ишчи чизмаларини тайёрлаттирди. Андижон вилоятидан зотдор товуқлар келтириш учун тегишли битимлар тузилди.

– Мамлакатимизнинг бир гуруҳ қишлоқ мулкдорлари қаторида Миср, Италия сингари хорижий давлатларга бориб, фермерлар тажрибасини ўрганни амалга ошириш учун кредит ажратиш юзасидан "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармасига хат билан мурожаат этдик. Унга кредит кафолати учун зарур бўладиган барча маълумотлар, шу жумладан, гаровга қўйилган техника воситаларининг ҳужжатлари илова қилинди. "Пахта Банк" билан биз узоқ йиллардан бери яқин ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Бу молия муассасаси ёрдами билан Германияда ишлаб чиқарилган, қиймати 123 миллион сўм бўлган "Клаас-Доминатор" ғалла ўриш комбайнини беш йилга, 37 миллион сўм турадиган "БТ-150" русумли занжирли тракторни уч йил муддатга кредитга олганмиз ва унинг мададидан доимо хурсандмиз. Бизнинг иқтисодий ҳамкоримиз навбатдаги режамизни амалга оширишда ҳам молиявий мадад беришига ишонамиз.

Янги ишга қўл урган қишлоқ мулкдорининг эзгу орзуси рўёбга чиқиб, етти хазинанинг бири бўлган паррандачилик фермасида кўп ўтмай тухум етиштириш йўлга қўйилиб, эл-юрт дастурхонига етказиб берила бошланади, дея ният билдирамиз.

Интилиш

Суннат САЙДАЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

СУРАТДА: *"Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи Акмал Шердонов, "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов ва "Пахта Банк"нинг Оққўрғон тумани филиали бошқарувчиси ўринбосари Лазиз Бегимқуловлар паррандачилик тармоғини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш хусусида ўзаро фикрлашмоқдалар.*

Раҳмонберди ИСЛОМОВ олган сурат.

Тошкент вилояти

Сурхон заминида етиштирилган сур ўзининг қуёш нурида ял-ял товланиши, жилваланиши билан аллақачон тилга тушиб улгурган. Бундай ноёб маҳсулот чўпон-чўлиқнинг тинимсиз меҳнати, уйқусиз тунлари эвазига яратилади. Баҳорнинг илк кунларида Сурхон томонларга йўлимиз тушди.

СУРХОН КЕНГЛИКЛАРИДА

– Тўртта ширкат хўжаликларида 77 минг бош қўй-эчки парваришланмоқда. Уларнинг 38 минг боши она совлиқлар. Яқинлашаётган тўл олиш мавсумида ҳар юз бошдан 100 тадан ошириб кўзи олишни кўзлаяпмиз, – дейди Сурхондарё вилояти "Қоракўл" бирлашмаси раиси Оллаберди Янгибоев. – Қиш мавсуми учун жамғарилган 10 минг 580 тонна дағал хашак жуда асқотди. 148 та оилавий пудратчи чўпонлар билан 2009 йил учун шартномалар имзоланди. Ниятимиз қоракўл маҳсулотлари етиштиришни 15 фоизга ошириш. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Бош чўпон Жўра Бобоқулов ўз отарини "Сайҳон" ширкатининг Чакоб яйловларида боқади. Туянинг ўркачини эслатувчи қир-адирлардан теварак-атроф яққол кўринади. Жўра ака чўпонлик таёғини отаси, раҳматли Маматқул бободан олган. Отаси эса бобоси Бобоқул бободан, хуллас, улар бир сулола.

Жўра ака қўлига корсони зордолидан ясалган ота мерос ҳўмбирани олди. Уни оҳиста созлади. Кейин томоқ қириб, Гўрўғли достонидан айта бошлади. Даврадагилар куй сеҳридан маст бўлиб қолганди. Орадан бирмунча вақт ўтди. Ҳеч ким ўрнидан қўзғалгани демасди. Бахши навбатдаги термани тугатди. Фурсатдан фойдаланиб, уни суҳбатга тортдик.

– Кўриб турганингиздек, бу бепоён ғўшалар менга болалигимдан қадрдон. Ҳаётимни мана шу файзли ерларсиз тасаввур эта олмайман. Сабаби отам, бобом доимо яйловда қут-барака сероб, чорвадор аҳли эл-юрт маъмурчилигини яратади, деб бот-бот такроррлар эди, – дейди Жўра ака. – 300 бош қўйимни қишловдан беталафот олиб чиқдим. Қабатимга ўғлим ҳам кириб қолди. Бу йилги баҳор серёғин келяпти. Яйловлар қўй-қўзига тўлади.

Германияда ўтказилган жаҳон қоракўлчилар қурултойида Сайҳон яйловларида етиштирилган қоракўл терилар олтин медалга сазовор бўлганди. Шу ерлик қоракўлчилар билан мулоқотда бўлсангиз, Николай Семёнович Гегенашвли номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби, заҳматкаш олим Москвадан 1941 йили Сайҳонга кўчиб келиб, хўжаликда бош чорвашунос бўлиб ишлаган. У наслчилик ишларига алоҳида эътибор қаратиб, қисқа вақт давомида Сурхон суринининг янтар, кахрабо, бронза, оқолтин навларини яратди.

– Ширкатимизнинг 86 минг гектарлик яйловларида бугунги кунда 28 минг бош қўй-қўзи боқилаяпти. Улар парвариши 48 та отардаги 112 нафар чўпон-чўлиқ зиммасида, – дейди Қумқўрғон туманидаги "Сайҳон" наслчилик хўжалиги раҳбари Абдурайим Абдураҳмонов. – Қўлдош Мамарайимовнинг бош чўпонлик қила бошлаганига бу йил 50 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида у яйлов, қўй-қўзи билан боғлиқ кўп нарсаларни миридан-сиригача ўрганди. Теботқовори яйловида қўй боқаётган чўпон сурувида 600 бош қўй бор. 9 нафар фарзандни тарбиялади. Ўғли Холпўлат Мамарайимов ҳам чорвадор бўлиб етишди. Тўйчи Мўминов ҳам хўжаликнинг тилга тушиб улгурган чорва билимдонларидан. У киши 20 йилдан бери Ўртавоз яйловларида сурув ортидан кезади. Ихтиёрида 600 бош қўй бор. Кўрсаткичлари ҳам қувонарли. Абдулла Ғулиев, Чори Абдураҳмонов, Искандар Йўлдошев сингари соҳа жонкуярлари билан ширкатдагилар фахрланишади.

– Биз томонларда коврак, қуврай, нўхатак, қўнғирбош, ембеғиси (доривор гиёҳ), қўзигул, читр, мойчечак, қизғалдоқ, чучмома сингари ўсимликлар кўплаб учрайди, – дея суҳбатга қўшилди хўжалик бош чорвашуноси, тажрибали мутахассис Соатмурод Холбоев. – Табиатда ноёб саналган ушбу ўсимликларни асрашимиз зарур. Келажакда Сурхон сурини хорижга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Қоракўлчилик

"Сайҳон" ширкати ҳудудидан етишиб чиққан Қувондиқ Мадатов, Қурбон Эшбоев, Қурбон Йўлдошев, Мирхолиқ Минглиев, Жўра Шойимқулов сингари таниқли кишилар билан қишлоқ аҳли ҳақли равишда фахрланишади. Ҳазрат бобо зиёратгоҳидан эса одамларнинг қадами узилмайди

– Шу ерда умргузаронлик қилаётган Эшқобил бобо Улбаров билан ҳар гал учрашганимда "шу қир-адирлар биз учун болалигимиздан ғоят қадрдон," деб бот-бот такрорлайди, – дейди хайрлашаётганимизда раис Абдурайим Абдураҳмонов. – Эл-юрт маъмурчилигини таъминлаётган чўпон-чўлиқларимизга муқаддас заминимизга асло кўз тегмасин.

* * *

Бепоён қир-адирларда сурув-сурув қўй боқиш осон эмас. Кўп нарса об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. Шу кунларда бу ерларда бўлсангиз, қирлар бағрида ўтлаб юрган қўйлар сурувига кўзингиз тушади. Улар Қумқўрғон туманидаги қўйчиликка ихтисослашган "Охобчиғай" ширкат хўжалигига тегишли. Чорвадорлар масъулиятли палла ҳисобланган тўл олиш мавсумини муваффақият билан ўтказиш ҳаракатида. Улар боқилаётган 4100 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 100 тадан ошириб кўзи олиш ниятида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

– Хўжалик мутахассислари отарларга бириктирилган бўлиб, улар чўпон-чўлиқларнинг яшаш шароитлари, рўзғорларида нима бор, нима йўқлиги билан доимий равишда қизиқишади, – дейди Қумқўрғон туманидаги "Охобчиғай" қоракўлчилик ширкат хўжалиги раҳбари Зиёдулла полвон Алманов. – Чўпонлар йил-ўн икки ой тиним билмайдилар. Қўй дегани қимирлаб, ковшаб турадиган, кунига ўртача 40 чақирим йўл босадиган жонивор.

– Деҳқон заминдан топса, чўпон бойликни таёқ ўйнатиб топади, деган гап бор, – дея суҳбатга қўшилди хўжалик бош чўпони Хуррам Хўжанов. – Шундай машаққатдан қочмаган одам минг-лаб қўй боқади. Ҳар гал суруви яйловга ёйилганини кўрганда чарчоқлари, чеккан заҳматлари тарқаб кетгандай бўлади. Ҳозир ихтиёримда 450 бош қўй-эчки бор. Уларнинг 280 боши совлиқлар бўлиб, ҳар юз бошидан 100 тадан ошириб кўзи олишни кўзлаяпман.

Хўжаликда Хуррам чўпоннинг издошлари сероб. Шайдулла Ортиқов, Хусан Қорабоев сингари чорва жонкуярлари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ширкатнинг 26 минг гектарини ташкил этган яйловларида 7 минг 200 бош қўй-қўзи боқилмоқда. 22 та отардаги 64 нафар чўпон жониворлар парвариши билан банд. Бойсун, Шўрчи, Олтинсой туманлари билан чегарадош ширкатнинг бешта қишлоғида 3 та мактаб, битта касб-ҳунар коллежи мавжуд. Мингчиқур ҳудуди ширкат марказидан 120 чақирим олисда жойлашган. Хўжаликда наслчилик ишларига жиддий аҳамият берилаётир. 98 бош зотли қўчқор алоҳида парваришланмоқда. Келажакда қора ва кўк рангли қоракўл тери берадиган қўйлар бош сонини янада ошириш чоралари кўрилаётир.

* * *

– Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда қоракўлчиликни ривожлантириш, наслчиликни тубдан яхшилашга доир бир қатор қарорлар қабул қилинди. Терининг турлари бўйича давлат стандарти жорий этилди. Соҳанинг яхлит тизими шакллантирилди, – дейди Бойсун туманидаги "Сайроб" қоракўлчилик ширкат хўжалиги бош даволовчиси Норқобил Бобоқулов. – Бу соҳага эътибор кучайтирилаётганидан далолат. Бугунги кунда ширкатнинг бепоён яйловларида 16 минг 660 бош қўй-қўзи 42 та отарда боқилмоқда. 42 та оилавий пудратга бириктирилган 70 нафар чўпон-чўлиқнинг ташвиши кўпайгандан кўпайган. Қиш давомида жамғарилган 2300 тонна дағал хашак, 30 тонна омихта ем, 35 тонна арпа, 67 тонна шрот, 50 тонна шелуха жуда асқотди. Малик Узоқов, Шухрат Отаёров, Гулбой Ашуров, Собир Кўчкинов сингари илғор бош чўпонлар ҳар юз совлиқдан 110-120 тадан қўзи олиш ниятида тер тўкишаётир.

Ширкатда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ҳозирда бу ерда қишлоқ врачлик пункти, мактаб ишлаб турибди. 4 та маҳаллада ободончилик юмушлари қучайтирилмоқда.

– Бирлашма раҳбариятининг бевосита кўмагида ширкатимиз омихта ем билан таъминланди. Ҳозирда 4 та зооветеринария шохобчаси ишлаб турибди. 40-50 бош зотли қўчқор алоҳида парваришланмоқда, – дейди бош даволовчи Норқобил Бобоқулов. –Шу ўринла бир мулоҳазани билдирай. Ширкатимиз яйлов учун йилига 60 миллион сўм атрофида солиқ тўлайди. Бу маблағ озмунча эмас. Ана шу масала атрофлича ўрганилиб, кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сирасини айтганда, Сурхон воҳаси қоракўлчилари энг масъулиятли мавсум ҳисобланган қўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказиб, тармоқ самарадорлигини янада оширишга бел боғлашган.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Тадбир

Ўқувчи ёшлар хавфсизлиги йўлида

Йўлларда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказилиб, унда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси тузиб чиқилди.

— 2008 йили содир этилган юздан зиёд ана шундай йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликнинг сабаблари ўрганиб чиқилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, майор Зоир Саидалиев. — Ўқувчилар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан барча таълим муассасаларига йўл патруль хизмати ходимлари бириктирилиб, улар томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир мактабда бу борада билимларни мустаҳкамлаш мақсадида сўровномалар ўтказиб келинянпти.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА

Очиқ акциядорлик тижорат банк «Пахта банк» мижозлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобваракларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ мижозларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини, депозит ҳисобваракларидаги маблағларини, аҳоли омонатларини нақд пулда бериш вақтида банк филиаллари ва минибанклари ходимлари томонидан қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда ОАТБ «Пахта банк» тизимида мавжуд бўлган қуйидаги «Ишонч телефонлари» мизга хабар беришингизни сўраймиз!

Т/Р	ОАТБ «Пахта банк»нинг Бош офиси, вилоят бошқармалари ҳамда туман филиаллари	«Ишонч телефонлари» рақамлари
№	Бош офис	150-53-59 150-85-15
1	Қорақалпоғистон	222-35-31
1	Амалиёт бўлими	780-00-64
2	Кегейли	412-12-90
3	Шуманай	346-22-51
4	Кўнғирот	312-34-84
5	Мўйноқ	322-12-91
6	Оқмангит	425-54-36
7	Тахтакўпир	435-26-78
8	Тўрткўл	532-23-70
9	Хўжайли	554-17-15
10	Чимбой	444-00-08
11	Беруний	524-70-55
12	Қонликўл	332-11-34
13	Қораўзак	465-51-23
14	Бўстон	585-17-10
15	Тахиатош	572-26-14
16	Мангит	515-22-50
2	Андижон	224-39-48
17	Амалиёт бўлими	224-31-20
18	Асака	233-13-77
19	Қорасув	795-21-43
20	Пахтаобод	711-11-61
21	Марҳамат	391-16-98
22	Шахрихон	342-10-54
23	Охунбобоев	755-24-97
24	Хўжаобод	741-12-64
25	Пойтуғ	312-30-80
26	Чинобод	322-10-87
27	Олтинкўл	354-63-91
28	Бўз	333-10-98
29	Оқолтин	761-15-32
30	Кўрғонтепа	723-17-00
31	Куйганёр	373-14-96
32	Булоқбоши	773-26-41
33	Балиқчи	323-22-06
3	Бухоро	223-02-90
34	Амалиёт бўлими	770-02-89
35	Олот	342-15-00
36	Вобкент	332-14-66
37	Ғиждувон	572-17-93
38	Шофиркон	502-31-64
39	Қоракўл	565-12-66
40	Ромитан	552-10-31
41	Жондор	582-14-01
42	Гала-Осиё	542-54-45
43	Янгибозор	353-27-50
44	Қоровулбозор	364-13-88
4	Жиззах	226-33-42
45	Учтепа	342-11-01
46	Арнасой	372-13-25
47	Зарбдор	492-27-34
48	Амалиёт бўлими	226-33-40
49	Пахтакор	353-15-26
50	Ғаллаорол	492-11-37
51	Дўстлик	335-48-95
52	Мирзачўл	312-22-52
53	Зомин	392-10-57
54	Бахмал	412-16-74
55	Фориш	452-13-54
56	Зафаробод	472-22-55
5	Қашқадарё	771-05-47
57	Амалиёт бўлими	771-15-80
58	Бешкент	771-17-27
59	Ғузор	(255) 21-153
60	Деҳқонобод	(261) 22-415
61	Қамаши	(253) 24-850
62	Косон	(259) 21-167
63	Шаҳрисабз	(252) 27-360
64	Чироқчи	(256) 21-650
65	Яккабоғ	(258) 24-560
66	Китоб	(254) 27-756
67	Муғлон	(264) 51-231
68	Янги Нишон	(251) 21-472
69	Батош	223-15-89
70	Янги Миришкор	(265) 21-434
71	Муборак	(267) 23-615
72	Помуғ	(262) 25-141
6	Навоий	770-35-39
73	Амалиёт бўлими	770-35-41
74	Конимех	512-14-41
75	Кармана	532-37-00
76	Қизилтепа	555-38-08
77	Нурота	523-19-03
78	Кескентерак	770-35-66
79	Томдибулоқ	770-35-63
80	Янгирабод	770-35-70
7	Наманган	227-18-99
81	Жумашуй	452-13-78
82	Косонсой	652-14-87
83	Ҳаққулобод	612-14-49
84	Поп	433-13-03
85	Тўрақўрғон	442-34-37
86	Уйчи	482-12-73
87	Учқўрғон	462-12-77
88	Чуст	423-26-34
89	Янгиқўрғон	632-11-31
90	Тошбулоқ	472-11-36
91	Чортоқ	412-46-71
92	Амалиёт бўлими	223-18-92
93	Давлатобод	232-13-04
8	Самарқанд	231-05-12
94	Лоиш	492-51-37
95	Оқтош	432-19-31
96	Жомбой	475-22-81
97	Жума	465-10-70
98	Пайшанба	414-13-87
99	Амалиёт бўлими	210-02-30
100	Сиёб	231-06-74
101	Нуробод	633-17-67
102	Пойариқ	425-11-38
103	Зиёвуддин	403-10-65
104	Ургут	483-02-40
105	Ғўзалкент	462-11-80
106	Иштихон	629-11-30
107	Қўшработ	646-12-97
108	Каттақўрғон	456-40-52
109	Челак	672-11-63
110	Гулобод	500-81-91
111	Булунғур	442-22-10
112	Тойлоқ	666-54-54
9	Сурхондарё	770-81-15
113	Амалиёт булими	770-81-32
114	Бойсун	770-80-14
115	Денов	770-80-05
116	Жарқўрғон	770-80-04
117	Музробод	770-80-09
118	Шеробод	770-80-16
119	Шўрчи	770-80-15
120	Узун	770-80-06
121	Ангор	770-80-02
122	Янгийўл	770-80-18
123	Қумқўрғон	770-80-17
124	Учқизил	770-80-01
125	Қарлуқ	770-80-19
126	Сариосиё	770-80-07
127	Бандихон	770-80-03
10	Сирдарё	225-05-92
128	Амалиёт бўлими	225-03-89
129	Пахтаобод	344-13-96
130	Сирдарё	357-13-91
131	Янгиер	372-37-51
132	Меҳнатобод	395-24-02
133	Боёвут	262-15-60
134	Ширин	364-33-93
135	Деҳқонобод	796-20-26
136	Сайхунобод	333-24-82
137	Сардоба	243-12-57
138	Наврўз	241-17-05
139	Фарҳод	225-18-75
11	Тошкент	244-32-95
140	Амалиёт бўлими	150-54-05
141	Оққўрғон	150-54-24
142	Бўка	150-54-25
143	Зафаробод	150-54-28
144	Пскент	150-54-30
145	Дўстобод (Қуйи Чирчиқ)	150-54-33
146	Чиноз	150-54-37
147	Тўй-тепа	150-54-34
148	Янгибозор (Юқори Чирчиқ)	150-54-39
149	Паркент	150-54-40
150	Янгийўл	150-54-43
151	Гулбаҳор	150-54-43
152	Оҳангарон	150-54-51
12	Фарғона	224-28-61
153	Қўқон	552-66-25
154	Марғилон	233-44-65
156	Қувасой	373-23-27
157	Бешариқ	612-15-80
158	Боғдод	479-15-03
159	Янгиқўрғон	529-12-63
160	Данғара	572-17-43
161	Ёзёвон	412-15-72
162	Қува	315-10-52
163	Олтиариқ	432-14-05
164	Риштон	452-35-59
165	Қорақўшчи	425-12-37
166	Сўх	462-54-02
167	Тошлоқ	238-46-46
168	Яйпан	539-31-31
169	Учқўприк	515-12-97
170	Водил	352-14-02
171	Фурқат	549-18-46
172	Амалиёт бўлими	224-79-79
13	Хоразм	770-56-81
173	Гурлан	365-12-71
174	Боғот	770-57-10
175	Хозарасп	332-19-41
176	Урганч	770-57-14
177	Хива	770-57-17
178	Янгиариқ	358-61-94
179	Қўшкўпир	329-21-88
180	Шовот	770-57-27
181	Қоравул	352-10-76
182	Питнак	305-40-05
183	Янгибозор	770-57-32
184	Чилонзор	273-09-82
185	Бектемир	295-02-27
186	Бош офиснинг банк амалиётлари бошқармаси	120-88-16

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки

Мамлакатимизнинг энг йирик банкларидан бири Давлат тижорат Халқ банки иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига истеъмол, ипотека, микрокредитлар ажратиш орқали юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб келмоқда. Жорий 2009 йилда ҳам банк жамоаси ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, унинг қўламини камида икки баробарга оширади.

Бунинг учун ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги Халқ банкининг жойлардаги бўлимларига аниқ бизнес режа ва лойиҳалар билан ёки янгидан фаолият бошламоқчи бўлган тадбиркорлар ўз истакларини билдирган ҳолда консалтинг хизматларига мурожаат қилишлари мумкин.

Мазкур масалаларда банк фаолияти билан боғлиқ муаммолар юзага келса, банк Бошқарувида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар филиалларида ташкил қилинган "Ишонч телефон"ларига мурожаат қилишингиз сўралади.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Банк бошқаруви:	(8 371) 273-61-14; 150-12-97; 150-12-81.
Қорақалпоғистон Республикаси:	(8-361) 224-04-17; 770-62-70
Андижон вилояти:	(8-374) 22-16-47;222-16-49
Бухоро вилояти:	(8-365) 770-00-74; 223-76-54
Жиззах вилояти:	(8372) 222-45-49; 771-61-79
Қашқадарё вилояти:	(8-375) 225-01-15; 771-04-81
Навоий вилояти:	(8-436) 532-01-89; 770-34-77
Наманган вилояти:	(8-369) 226-30-72; 226-69-21
Самарқанд вилояти:	(8-366) 234-28-97; 230-82-02
Сурхондарё вилояти:	(8-376) 222-76-15; 222-77-42
Сирдарё вилояти:	(8-367) 221-04-00; 221-03-99
Фарғона вилояти:	(8-373) 224-32-03; 224-42-51
Хоразм вилояти:	(8-362) 770-42-00; 226-32-42
Тошкент вилояти:	(8-371) 150-12-38; 150-15-96
Тошкент шаҳри:	(8-371) 244-36-96; 245-35-35

(2003 йил 25 январда берилган лицензия)

Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллигига

Халқ ичида Озод домла деб машҳур бўлган адиб Озод Шарафиддиновнинг мангулик — иккинчи умри бошланди. Одам барҳаётлигида ўзининг иккинчи умри қандай бўлишини билмайди, буни кўпинча тасаввур ҳам қилмайди. Иккинчи умр ростдан ҳам, қандай бўлади? Бунга фикрловчи, ўйловчи одамлар бефарқ қарамайдилар. Диний тушунчали кишилар буни охират деб аташади, охират деб билишади. Ўзларини охират ҳаётига тайёрлашади.

Меҳр ва садоқат

Ҳа, мутлақ ҳақиқат шундаки, иккинчи умр бор. Дунёвий умр бу — амаллар, ухровий — иккинчи умр эса бу — оқибатлардир. Охират ҳам бошдан охир — оқибат. Одам боласи барча амалларининг оқибатини ўз иккинчи мангу умрида кўради. Одамлар бир-бирларига охират ободлигини тилайдилар. Бу ҳаёт ҳикматидан келиб чиқадиган энг эзгу орзу-тилаклардандир. Киши тириклигида катта боғ яратган, шаҳар қурган, келажакка элтадиган йўллар қурган, халқнинг ишини, яшашини осон қилган бўлса, одамлар доим бу йўллардан ўтиб борарлар, бу шаҳарларда эмин-эркин истиқомат қиларлар. Ўша боғларнинг турфа мевалари-дан тотарлар ва алқаб, дуолар этарлар — одамнинг иккинчи умри шу дуолардан файзу шукуҳ топур, бир чумолини босиб ўтмаган эсангиз, шу чумолининг дуоси етти пуштингизга соябон ва ҳамроҳ бўлур. Дуолар билан алқанмиш ва ёрлақанмиш умр бу — иккинчи ухровий умрдир.

Ўзбекистоннинг етук зиёлиларидан бири Озод Шарафиддиновнинг умри шундай баравж, фаровон умрдир.

Озод Шарафиддинов одамларнинг юракларида бунёдкорликлар қилди. У минглаб ёшларни ўқитди, тарбиялади. Минглаб одамларнинг қалбларига эзгулик уруғларини экди. Минглаб илм кириб бормаган қоронғу гўшаларда илм ва адолат чироқларини ёқди.

Танқид ур калтак-қора калтак қуроли ҳамда воситаси бўлган замонларда ҳам, танқиддан ҳеч қачон ур-йиқитчилик орқали эришиладиган сиёсий мақсадларда фойдаланмади. Танқидни найранг ва қўрқитиш қуролига айлантирмади.

Ўзаги нақд сўзидан олинган танқиднинг туб маъноси нақл этиш, талқин қилиш, таҳлил ва тадқиқотлар олиб бориш деганидир. Лекин якка мафкура зуғуми вақтларида у уриш, йиқитиш, маҳв этиш, миллий кучларни йўқотиш, фалаж қилиш воситасига айланган сир эмас.

Озод Шарафиддинов бенизоя меҳрибон одам эди.

У неча-нечалаб шогирдларининг ҳаёти билан яшарди.

Шогирдларининг дардлари билан дард чекарди.

Шогирдларининг барча мушкулларини худди ҳазрат Балогардон каби ё Хожа Ахрори валий бобомиз ибратида ўз елкасига оларди. Чигилларни ечмагунча, мушкулликларни осонликка ўгириб енгиллаштирмагунча асло тинчимасди. Шогирдлари изидан Сирдарёдан тортиб Андижону Фарғонаю Жиззаху Қорақалпоқ, қўшни диёрларгача ҳеч эринмай бориб келарди.

Шогирдлари ҳам уни жон-дилдан севар, унга эргашар, суянар, бошларига кўтарар эдилар. Шогирдларнинг маърифатли ҳаёти, уларнинг ҳаёту ижод, илм соҳасидаги ютуқлари Озод домланинг шаҳари, файзли боғи, гавжум йўллари эди. Ҳозирда уларнинг бари Озод муаллимнинг йўлларини муваффақият билан давом эттираётганликлари, унинг ўгитларини ўз умр-гузаронликлари мисолида амалга оширганликлари — иккинчи умрнинг шарафли ҳосилаларидир.

Озод Шарафиддинов адабиётимиз

устодларига ҳам Чўлпон, Қодирийдан Ойбек, Абдулла Қаҳҳору Шайхзода, Ғафур Ғулому Миртемир, Зулфиягача маърифатли, самимий, эъзоз-иқромли муносабатда бўларди. Уларнинг асарлари, маърифатининг қудрати, иродасининг енгилмаслигидан улги олар ва фахрланарди. Муҳаббатини асарларида гўзал таҳлиллари билан ифшо этарди. Унинг муҳаббати садоқатига, садоқати муҳаббатига доимо эш эди. Бу муҳаббат ва садоқат баланд инсоний мавқеда турарди. У ҳеч қачон ялтоқланмас, маддоҳлик қилмас, таъмаларга яқин йўламасди. Унинг муносабатларида табиий олижаноблик қулф уриб турардики, буни устозлар ҳам, шогирдлар ҳам, унинг неча юзлаб толиблари ҳаёт ҳам сезиб, ҳис қилиб турарди. Уни кўрганда, кўришганда Миртемирнинг маъюс ўйга ботган чеҳраси чарақлаб кетгани, Зулфиянинг сўзлари меҳр ва назокат ифорлари билан товлангани, Шайхзода янги қуёшни кутиб олаётгандек имтинон билан қаршилаганини ўз кўзларим билан кўрганман. Озод Шарафиддиновнинг холис муҳаббатли сўзлари уларга хуш ёқар, пором келарди.

Озод Шарафиддинов оиласи, катта хонадонини, фарзандларини ҳам шундай ёғдулари ҳаётбахш муҳаббат ва садоқат билан парвариш этарди. Унинг тарбиясида доим маданиятлилик қулф уриб турарди. Фарзандлари, набиралари унинг изидан оғишмай бораётганликлари бежиз эмас. Улар зиё ва ёғдулик йўлидан оғишмай бораётганликлари, ота ва бободан нодир улги олаётганликлари ҳам устодга муяссар иккинчи ухровий умрнинг гўзал самаларидандир.

Асарлар ҳамда воқеалар ичига унинг фикри худди кончининг бурмасидай буралиб, парманаб кириб борарди. Унинг фикри қанчалар буров каби ишлагани, айниқса, қўлёзма дастхатлари билан ғанишганда аён бўларди. Бу хат чинакам танқидчи, чинакам мутафаккир ва чинакам муҳаббатли ижоднинг ёзуви эди. Унда ирода, шиддат мужассам эди. Муаллиф жуда катта нафас билан собит ишлаётгани хатнинг қатъиятидан аниқ сезиларди.

Озод Шарафиддинов тафаккурининг яна бир хусусияти — у гапни ортиқча бўяб, бежаб, чиройли қилишга ҳаракат қилмасди. Балки буни хуш кўрмасди. Таҳлилларида мантиқийликка ургу тушарди. У адабиёт ҳақида худди математик каби фикрларди. Математиклар ортиқча ҳиссиётларга берилмайдилар, ҳашамларни ёқтирмайдилар. Улар сонларнинг аниқ поэзиясини ёқтирадилар. Сонларнинг поэзиясига мубтало бўладилар. Сонларда бир туганмас сир бўлса керак. Кўп мажнунлар сонларнинг сирли синоатларига гирифторликдан қутулолган эмаслар.

Озод Шарафиддинов асарларида ҳаёт ва адабиёт мезонлари аниқ ифодаланади. Сарвар Азимов, Тўхтасин Жалолов, Воҳид Зоҳидов бадиий таржима, публицистика бадиий таржимаси ва адабиётшунослик соҳасида ўз таъсирига яқин эга эди.

Умрининг кейинги йигирма йилида Озод Шарафиддинов бадиий таржималарида ғоятда баракали ижод қилди. Ўзи ва замондошларининг ҳаёти ҳақида ёзди. Адабиётга ўзи гувоҳ бўлган жуда катта ҳаёт воқелигини жасорат билан олиб кирди. "Жаҳон адабиёти" журнали, "Тафаккур"да фаол жўшиб ишлади. Дунё адибларининг энг илғор ёрқин фикрларга тўла асарларини ўзбек адабиёти ва ўқувчиларининг мулкига айлантиришга зўр берди. Дунё адибларининг машҳур публицистик асарлари ва айниқса, Лев Толстойнинг "Икрорнома" асарини таржима қилиш Озод Шарафиддинов ижодида жуда катта ўзгариш ясади. Унинг бадиий, ҳаётий тафаккурида бурилиш юз берди. "Довондаги ўйлар" ҳамда "Ижодни англаш бахти" сингари адабиётда катта босқич бўлган йирик китоблари юзага чиқди. Адиб ким ҳақида ёзмасин, инсон орияти, номуси, виждонини марказга қўяди. Умрлар ва фаолиятларни шуларнинг қай даражада инъикос топгани билан ўлчайди. Инсон ҳаёти ва меҳнатини қадрлашга энг улуғ бир мезон топади. Шахсларнинг виждони, орияти, номуси ҳақидаги ўйлар халқнинг, миллатнинг номуси, орияти, виждони ҳақидаги ўйлар даражасида йириклашиб, умумлашиб боради. Булар даврнинг чин маънодаги бадиий-эстетик солномаларидир.

Саксон ёшнинг шукуҳи, файзи билан Озод Шарафиддиновнинг иккинчи умри бошланди. Вақтлар ўтган сари йирик ижодкорнинг янги-янги қирралари ўқувчиларнинг янгидан янги наслларига очилиб бораверади. У ўз элига чинакам фидокор ва фарзанд бўлишни орзу қилган эди. Унинг орзуси ушалди. Ундан виждонли, ориятли наслларга ўқиб юрадиган асарлар ва ибратли ҳаёт йўли мерос қолди. Кўҳна адибимиз Носируддин Рабғузий айтганларидай:

Кўз кўргани жамол ул
Севмак ани ҳалол ул
Андоқ жамол кўрубон
Ким севмаса, вубол ул...

Озод Шарафиддинов шундай элга севимли адиб ва муаллим бўлиб тарихда қолди.

Иброҳим ҒАФУРОВ

спорт

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

ТЕННИС

6-8 март кунлари Наманганда "Паҳлавон" спорт мажмуасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси терма жамоалари ўртасида халқаро Дэвис кубоги теннис мусобақаси бўлиб ўтди.



Мусобақанинг дастлабки босқичини Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Фаррух Дўстов ва Жанубий Корея Республикаси терма жамоа аъзоси Хюнг Тайк Ли бошлаб беришди.

Ҳар уч сет кореялик спортчининг фойдасига, яъни 7:5, 7:6, 6:4 ҳисобида якунланди. Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Денис Истомин билан яна бир кореялик теннисчи Кю Тае Им кортга чиқишди. Ушбу баҳсда Ўзбекистон вакилининг қўли баланд келиб, 6:3, 6:2, 6:4 ҳисобида ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди.

7 март куни жуфтлик баҳсида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Фаррух Дўстов билан Денис Истомин жуфтлигига қарши Кю Тае Им ҳамда Хюнг Тайк Ли кортга чиқишди. Икки ўртадаги қизиқарли ва кескин курашларга бой бўлган беш сетдан иборат беллашувнинг тўрт сетида (2:6, 6:2, 3:6, 6:3) тенг натижа қайд этилди. Сўнгги ҳал қилувчи бешинчи сетда эса 6:4 ҳисобида Ўзбекистон жуфтлиги ғолиб бўлди.

8 март куни бўлиб ўтган мусобақалар янада қизиқарлироқ кечди. Денис Истомин қарши майдонга тушган кореялик Хюнг Тайк Ли ўзидаги бор тажриба ва маҳоратни ишга солишга уринди. Чунки натижаларга кўра умумжамоа ҳисобида кореяликлар 2:1 ҳисобида имкониятни қўлдан бой бераётганди. Бироқ беш сетлик иборат ушбу муросасиз баҳс 6:3, 1:6, 6:3, 3:6, 6:3 ҳисобидаги Денис Истоминнинг ғалабаси билан якунланди.

Куннинг иккинчи ярмида ўзбекистонлик Мурод Иноятов ва кореялик Ёнг Кю Лим кортга чиқди. Уч сетдан иборат бўлган баҳснинг дастлабки сети 3:6 ҳисобида кореялик спортчининг фойдасига ёзилганди. Лекин кейинги иккі сет тўла бизнинг спортчимиз устунлигида ўтиб, 6:1, 6:3 ҳисобида ғолиб бўлди.

Шундай қилиб, ғоят қизиқарли бўлган теннис мусобақаси умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик спортчиларнинг устунлиги билан 4:1 ҳисобида ниҳоясига етди. Энди спортчиларимиз Япония теннисчиларига қарши кортга тушадилар.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

МУҲАММАД БИН ҲАММАМ ТОШКЕНТДА...

ФУТБОЛ

Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам Тошкентга расмий ташриф билан келиб, Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари билан учрашди.

Ўзбекистон футбол федерациясидан олинган маълумотларга кўра 14 кишидан иборат делегация Тошкентга мамлакатда футбол ривожланиши учун амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюрган.

6 соатлик ташриф чоғида делегация аъзолари терма жамоани тайёрлаш маркази — Чиғатой спорт мажмуи ҳамда "Пахтакор" марказий стадионини кўздан кечирадилар. Шу ерда делегация аъзолари Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари билан музокараларга киришадилар. Унда меҳмонлар қурилиш авж палласида бўлган "Бунёдкор" спорт комплексининг лойиҳаси билан ҳам таништирилади.

"ЦСКА" — РОССИЯ СУПЕРКУБОГИ СОҲИБИ

Россиянинг 2009 йилги футбол мавсумини бошлаб берган Суперкубок баҳсида Москванинг "ЦСКА" жамоаси Қозоннинг "Рубин" жамоасини 2:1 ҳисобида енгди. Бу "Бунёдкор"нинг собиқ бош мураббийи Зиконинг "ЦСКА" бош мураббийи сифатида қўлга киритган илк соврини бўлди.

Шунингдек, Россия футбол тарихида илк бор Суперкубок Россия миллий кубоги соҳибига насиб этди. Бунгача суперкубок баҳсларида доим Россия чемпиони ғолиб чиққан.

Ўйинга тўхталадиган бўлсак, ҳисобни 43-дақиқада "ЦСКА" аъзоси Дейвидас Шемберас очди. Иккинчи бўлим ҳам "ҳарбий"ларнинг устунлиги остида ўтаётганди. Лекин 62-дақиқада Россия чемпиони — "Рубин" ҳимоячиси Роман Шаронов стандарт вазиятдан унумли фойдаланиб ҳисобни тенглаштирди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якун топди. Қўшиб берилган бўлимларда "Рубин" 10 киши бўлиб ўйнашга мажбур бўлди. Туркиялик легионер Гўкдениз Караденизнинг икки бор огоҳлантириш — сариқ карточка олиб майдонни тарк этди. Галаба тўпини 112-дақиқада "ЦСКА"нинг чехиялик янги легионери Томаш Нецид киритди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ" ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Тошкент-Ўнқорғон н.-Ёнариқ қ." 4К700 М-39 а/я (808)02-чи км. ни қурилиши.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати: 6 ой.

Қурилиш ишлари: Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 17-уй. Тел: (+99871) –233-06-95.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлигининг **"Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси 18-уй, 308, 311-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-37.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 120.000 (бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Моваронннахр кўчаси 19-уйда ўтказилади.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ж.Остонов кўчаси 1-уй манзилида жойлашган "ART STROY BIZNES" (ИНН 300865901, ОКПО 22016929) МЧЖ таъсисчилари йиғилиши баённига асосан таъсисчилар таркиби камайиши муносабати билан жамиятнинг Устав фонди 126000000 сўмдан 26000000 сўмга камайганлигини билдиради. Эътирозлар 295-44-09, 295-21-00 ва 318-68-73 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

SSANGYONG АВТОСАЛОН

МЧЖ"ULOR AVTO"расмий вакили SsangYong Motor Company(Жанубий Корея)

Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган

Маҳсулот сертификатланган Божхона тўлови тўланган

Кафолат 2 йил (40000 км.)

Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12. Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.

Макарон, омихта ем ва қоплар сотилади

"Шўрчи дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган омихта ем маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда маблағ ўтказиш ёки нақд пулга, макарон маҳсулотлари ва қоплар тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали маблағ ўтказиш ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Шўрчи шаҳри, Ун заводи даҳаси 1-уй.

Телефонлар: (8-376) 45-51-772; 45-54-584. "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ маъмурияти.

Маҳсулотлар сертификатланган.

ЧФ "YOQUT-GOLD" (ИНН 204116771, код по ОКПО 18656586) зарегистрированное отделом Государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г.Ташкента, расположенное по адресу: Учтепинский район, 3-тор куча "Тонг" дом № 20, ликвидируется. (Протокол собрания № 2 от 09.03.2009 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования настоящего объявления. Тел: 447-99-09.

Утерянный аттестат об окончании одиннадцать классов за № 0212726, выданный в 1998 г. школой ЦОВ № 37 Чиланзарского района г.Ташкента на имя Краузе Андрея Сергеевича, считать недействительным.

Тошкент Радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йили Абдурахмонов Комилжон Каримович номига берилган КN№ 569386 (рўйхат рақами 09) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "MARAT KOMMUNAL" ХУЖМШ (хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати) тугатилаётганлиги маълум қилинади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Юнусобод тумани 9-мавзе. Почта-190. Тел: 225-65-38.

Тошкент вилояти Пскент туманидаги 6-сонли ўрта мактаб томонидан 1998 йили Аъзамова Фотима Рахматхон қизи номига берилган O'R-D № 716167 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Адвокатское бюро "IMEX FEMIDA" (ИНН 203111771) зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан, расположенное по адресу: г.Ташкент, проспект Узбекистанский, дом 98^{б}, ликвидируется. (Решение № 1 от 26.01.2009 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования настоящего объявления.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04.Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

t -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳих: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.15
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678